



ВОДИЙ ГАВҲАРИ ФАРҒОНА ҲАР СОҲАДА НАМУНА БЎЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ислохотларнинг жойлардаги ижроси, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 май куни Фарғона вилоятига келди.

“Инсон қадрлари учун” деган эзгу тамойил бугун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ўз тасдиғини топмоқда. Асосийси, кенг қамровли ислохотлар

ўз самарасини бера бошлади. Буни Фарғона вилоятидаги янгиланишлардан, бунёдкорлик ишларидан ҳам билиш мумкин. Биргина ўтган

йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 45 триллион сўмдан ошиб, ўсиш кўрсаткичи 8 фоизни ташкил этди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик

даражасини қисқартириш борасидаги ишлар натижасида 150 минг нафардан зиёд фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди.

Жумладан, Инвестиция дастурига мувофиқ қиймати 4,2 триллион сўм бўлган 809 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 16 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифини Олтиариқ туманидан бошлади.

Маълумки, Президентимиз ҳудудларни ривожлантиришда уларнинг ўзига хос хусусиятидан ва аҳоли кўникмаларидан келиб чиқиб иш туттиш зарурлигини таъкидлайди. Олтиариқнинг шундай устуворлиги деҳқончиликда, одамларнинг омилкорлигида. Айниқса, Олтиариқ узуми чет элларда ҳам таниқли “бренд”га айланган.

Бундай маҳсулотларни қўлайтириш мақсадида туман чеккасидаги минг гектар адирликда узумчилик ва боғдорчилик плантацияси ташкил этилди.

Президентимиз ушбу боғни келиб кўрди.

Илгари бу жой ҳеч нарса экилмайди-ган қуруқ ер эди. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш борасидаги ишлар натижасида халқимиз рисқ-рўзи учун минг гектар янги манба пайдо бўлди. Бунинг учун қудуқлар ва ҳовузлар қазилиб, томчилатиб сугориш йўлга қўйилди. Бунда фойдаланилган ускуна ва қурувлар ҳам тўлиқ маҳаллий маҳсулот.

Ўзлаштирилган майдонларнинг 560 гектарида тоқзор барпо этилиб, “хусайни”, “келиббармок”, “ризамат”, “кишмиш” каби харидоргир узум навлари экилмоқда. 300 гектарлик интенсив боғда олма, гилос, ўрик кўчатлари ўтказилмоқда.

Қатор ораларига тарвуз экилган. Бозор талабига қараб, қалампири, булғор қалампири, бодринг, кўкатлар ва бошқа полиз маҳсулотлари етиштирилади. Булар аҳоли даромади, юртимиз экспортини ошириш учун қўшимча манба бўлади.

— Фарғона қишлоқ хўжалигида катта натижаларга эришяпти, одамларнинг дунёқараши ўзгарапти, деҳқонлар экспортга чиқаяпти. Лекин кечаги натижа бугунга тўғри келмайди. Доим изланишда, ҳаракатда бўлишимиз керак. Мана, салгина шароит яратилгани

учун шунча жой боғ бўлди. Ҳали ички имкониятларимиз жуда кўп. Бу имкониятларни “инсон қадрлари” тамойили асосида халқимиз манфаатига йўналтириш керак. Водий гавҳари Фарғона бунда намуна бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу ер замонавий агросаноат мажмуи бўлади — 1 минг 500 тонна ситимли музлаткичли омбор, маиший хизмат шохобчалари барпо этилади. 6 та минит-рактор, 10 та юк машинаси сотиб олинади. Боғ ва тоқзорлар аҳолига бўлиб берилади. Бу миришкор олтиариқликлар учун катта имкониятлар яратди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда фарғоналик деҳқонлар ва кластер раҳбарлари билан суҳбатлашди.

— Бу боғ ва тоқзорлар аҳолига хусусийлаштириб берилади. Мулкдор қанча кўп бўлса, масъулият кўп бўлади, харидорларнинг, чет эллик ҳамкорларнинг тadbиркорга ишончи бўлади, одамлар кўпроқ даромад олади, — деди Президент.

Худудда 3 мингдан ортиқ иш ўрни очилиши айтилди. Уларга ишсиз ёшлар ва эҳтиёжманд оилалар, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат муҳожирлари ишга олинади.

Президентимиз шундай ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Фарғона вилоятида мева-сабзавотчилик ва гулчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимот қилинди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Фарғона вилояти Фурқат туманидаги “Уста Юсуфжон нақшоҳ” оилавий корхонасида бўлди.

Корхона раҳбари Муҳаммадали Юнусов миллий ёғоч ўймакорлиги мактабининг муносиб давомчиси. Унинг ишлари юртимиздаги кўплаб макбара ва янги мажмуаларга кўрк бағишлаган. Қўлигул хўнараманд Ўзбекистон халқ устаси унвонига сазовор бўлган.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2022-2026 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мактаб ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, халқ таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини барпо этиш мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”-да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур (кейинги ўринларда — Ривожлантириш дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Ривожлантириш дастурининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мактаб таълимига илғор халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган

Миллий ўқув дастурини тўлақонли жорий этиш ҳамда маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан яратилган замонавий дарсликларни амалиётга киритиш;

жамиятда ўқитувчи касби нуфузини ошириш, педагоглар учун қўлай ижтимоий шароитлар яратиш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш;

ўқитувчиларнинг ёшларга таълим ва тарбия беришдаги масъулиятини, доимий касбий ривожланишдаги талабчанлигини ошириш;

▶ Давоми 3-бетда

ШХТ Бош котиби Чжан Мин:

“САМАРҚАНДАГИ САММИТ ТАШКИЛОТНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ТАРИХИЙ БОСҚИЧ БЎЛАДИ”

13 май куни Ўзбекистонга Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Бош котиби Чжан Мин келади.

ШХТ Бош котиби мамлакатимизга ташрифи арафасида “Дунё” АА муҳбирига берган эксклюзив интервьюсида мазкур йирик халқаро тузилманинг энг муҳим ютуқлари, ривожланишнинг ҳозирги bosқичида ташкилот олдида турган таҳдидлар ва вазифалар, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари, Ўзбекистон раислиги кун тартиби ҳамда Самарқанд шахрида бўлиб ўтадиган саммитдан кутилаётган натижалар ҳақида сўзлаб берди.

— *Хурматли Бош котиб, аввало, Сизга интервью беришга рози бўлганингиз учун миннатдорчилик изҳор этишга ижозат берсангиз. Бугунги кунда 2001 йил ташкил топган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 3 миллиарддан ортиқ аҳолига эга бўлган мамлакатларни ўзида бирлаштириб, кўплаб халқаро ва минтақавий масалаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда. Сизнинг фикрингизча, ШХТнинг сўнгги йиллардаги асосий ютуқлари нималардан иборат?*

— ШХТнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб берадиган иккита асосий жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Биринчиси — бу хавфсизлик. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни сақлаш ШХТни ташкил этиш учун дастлабки туртки бўлган. Мазкур йўналишда ШХТ доирасида ҳамкорлик қилиш чегаралар

хавфсизлиги соҳасидаги ўзаро сэй-харакатлардан бошланади, террористик, экстремистик, сепаратчи кучлар ва гиёҳвандлик бўйича жиноятчиликка қарши курашга қаратилган ҳамда хавфсизликнинг турли ноанъанавий таҳдидларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Сўнгги 20 йил мобайнида минтақада тинчлик ва барқарорлик сақлаб келинаётгани, хавфсизлик омилидан ажралмас ҳисобланган тараққиётнинг давом этаётганлигида ШХТнинг салмоқли ҳиссаси бор. Айтиш мумкинки, ташкилот жаҳонга ижобий барқарорлик қувватини бера олди.

Евроосиёда ҳар йили ушлаб қолганидан гиёҳвандлик воситаларининг 40 фоизи ШХТ билан ҳамкорликда ноқонуний айланмадан чиқариб олинаётгани ҳам муваффақиятларимиз қаторига кирди.

Иккинчи энг муҳим жиҳат — бу “Шанхай руҳи”дир. “ШХТ оиласи”га



умумий умидлари, манфаатлари ва интилишларини бирлаштирувчи турли тараққиёт моделига эга бўлган минтақалар мамлакатлари кирган.

ШХТ дўстлари давраси орта бориши билан бира, унинг қамрови ва таъсир қўлами ўсмоқда, хавфсизлик соҳасидан иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт жиҳатидан ўзаро бог-лиқлик, маданият ва санъат, тиббиёт ва спорт, ёшлар ўртасидаги алмашинувларгача ҳамкорлик соҳалари кенгаймоқда. Бугунги кунда ШХТ дунёдаги халқаро ташкилотлар ичида энг машҳур тузилмалардан бирига айланди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-134-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва бу борада мактаб директори, ота-оналар ва маҳалла раислари масъулиятини кучайтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб

республиканинг барча туман (шаҳар)лари кесимида **намунали мактаблар** рейтингини (кейинги ўринларда — рейтинг) шакллантирсин ва эълон қилиб босин.

Белгилансинки: рейтинг доирасида ҳар ўқув йили якунида умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолати Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган мезонлар бўйича **баҳолаб борилади**;

умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолатини баҳолаш ва рейтингни

юритиш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари бошлиқлари раҳбарлигида **махсус комиссиялар** тузилади;

умумий ўрта таълим муассасалари рейтинг кўрсаткичлари асосида **“яшил”, “сариқ” ва “қизил”** тоифаларга ажратилади;

рейтинг кўрсаткичлари асосида “қизил” тоифага киритилган умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилади.

▶ Давоми 3-, 4-бетларда

ВОДИЙ ГАВҲАРИ ФАРҒОНА ҲАР СОҲАДА НАМУНА БЎЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Муҳаммадали Юнусов ижодида “паргори”, “шарафа”, “муқарнас” ва “ислимиий” услублар устувор. Нақшинкор устунлар, курси, лавҳ, қутича ва бошқа оилавий буюмлар ҳамииша харидоргир. Устанинг шогирдлари кўп. Шу боис, корхонага кенг шароит яратиш мақсадида янги бино қурилмоқда.

— Ота-боболаримиздан мерос хунарни асраб-авайлаб, ёш авлодга етказаётганингиз, ёшларни ишли қилаётганингиз учун раҳмат, — деди Президент. — Бундай хунаремандчилик турларини янада оммалаштириш керак. Бу ҳам маданият, ҳам маърифат, ҳам иқтисодиёт.

Давлатимиз раҳбари мазкур оилавий корхона ёнида мактаб ташкил этиш, унда хунарлар билан бирга математика, геометрия, физика, кимё каби фанларни ҳам чуқурлаштириб ўқитиш муҳимлигини таъкидлади. Тошкент, Самарқанд, Хива ва Бухорода ҳам шу каби ёғоч ўймакорлиги марказлари ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Президент Фарғона вилояти Бувайда туманида қурилган мебелсозлик мажмуасини бориб кўрди.

Бувайдада кўпчилик уста дурадгор. Оилалар ўз уйида эшик-роملар тайёрлаб сотади. Уларнинг маҳсулотлари

Фарғона водийсидан ташқари Тошкент шаҳри, узоқ вилоятларгача етказиб берилади.

Лекин ҳовлида шароитлар етишмасди. Об-ҳаво, шовкин ноқулайлик туғдирарди. Бувайдалик хунаремандларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маҳаллада мебелсозликка ихтисослашган мажмуа барпо этилди.

Бу мажмуа ҳам Президент ташаббусининг натижаси. Учкўприқда тикувчи аёллар, оилавий корхона ташкил этган, маҳалладошларини ишли қилган тадбиркорлар кўп. Лекин улар мослаштирилган шароитларда ишлар, бу бизнесни кенгайтиришга ҳалал берар эди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги таширифи чоғида тадбиркор аёллар билан суҳбатлашиб, улар учун замонавий мажмуа қурилишига ваъда берган эди. Шу асосида 2021 йил 27 май куни “Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда 15 гектар ер ажратилиб, кўп қаватли бино барпо этилмоқда. Бу ерда 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўкони, 560 та савдо расаси бўлади. Шунингдек, 2 та логистика маркази ташкил этилади. Натижада

экспорт қилиш режалаштирилган. Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 3 минг 700 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланиши мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилояти Учкўприк туманида бунёд этилаётган Енгил саноат ва логистика марказига борди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги таширифи чоғида тадбиркор аёллар билан суҳбатлашиб, улар учун замонавий мажмуа қурилишига ваъда берган эди. Шу асосида 2021 йил 27 май куни “Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда 15 гектар ер ажратилиб, кўп қаватли бино барпо этилмоқда. Бу ерда 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўкони, 560 та савдо расаси бўлади. Шунингдек, 2 та логистика маркази ташкил этилади. Натижада

Бобошбек, Бекмурод, Зигир, Палохон ва Яккамолла каби маҳаллалардаги юзлаб тадбиркорларга замонавий қулайлик яратилади.

Масалан, биргина Бобошбек маҳалласида 5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар Қўқон бозори орқали юртимиз ҳудудлари, қўшни мамлакатларгача етиб бормоқда. Энди замонавий шароитлар самарасида бу қўлам янада кенгайди.

Президентимиз бу ерда иш бошлаган тикувчилик корхоналари фаолияти билан танишиди, тадбиркорлар ва харидорларга яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Мажмуада йилига 876 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 18 миллион долларлик экспорт қилиниши мўлжалланган. Жами 7 минг 700 дан ортиқ фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлиши мумкин.

Қўштепа туманида ҳам яна бир тўқимачилик корхонаси қурилмоқда. “Global textile infinity” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилаётган бу фабрика йилига 18 миллион метр ююкни сифатли мато ҳамда 2 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари тўқимачилиқда қайта ишлаш даражасини ва маҳсулотлар ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Бугун бозор бешафқат. Бу рақобатга муносиб бўлиш учун тадбиркорнинг камида беш йиллик мўлжали, сифат кафолати, таннархда ўзининг резерви бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Марғилон шаҳрида ташкил этилган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида бўлди.

Наврўз маҳалласи ҳудудидаги бу жой илгари тошлоқ, фойдаланилмайдиган ер эди. Лекин коммуникация ва логистика жиҳатидан жуда қулай.

Шу боис, 7 гектар майдонда ушбу саноат зонаси ташкил этилди. Бу ерда тўқимачилик, чарм-пойабзал, мебелсозлик, озиқ-овқат саноати бўйича 28 та лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кунда уларнинг 12 таси ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган. Барча корхоналарда мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари корхоналардан бирида ишлаётган аёллар билан суҳбатлашди.

— Инсон қадрини улуғлаш бўйича ҳаракатларимизда аёлларга алоҳида аҳамият қаратаймиз. Аёл бу — оила дегани, баркамол фарзандлар дегани. Нима учун “Аёллар дафтари” ташкил қилдик? Ҳар бир эҳтиёжманд хотин-қизга эътибор қилиш учун. Сизнинг ҳам баъзиларингиз “менинг қўлимдан келмайди” деб ўйлаган бўлишингиз

мумкин. Қила олар экансиз-ку. Сизларда мана шундай ишонч бўлиши учун, қизларимиз касб-хунарли бўлиши учун бундан кейин ҳам ҳамма имкониятларни ишга соламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай саноат зоналарини чекка туманларда ҳам очиб, унга ёшларни жалб этиш, касбга ўргатиш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз Тошлоқ туманидаги “Agro impex valley” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди. Қўймади 100 миллиард сўмдан зиёд бўлган ушбу корхона 2020 йилда ишга туширилган. Бу ерда “Амира текстиль” белгиси остида тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқаришмоқда. Шунингдек, ёзги пойабзалларнинг устки қисми ҳам тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошлоқ туманида ишлаб чиқарилаётган саноат ва хунаремандчилик маҳсулотларини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига таширифи давом этмоқда.

Зиёдуллоҳ ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Масъуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбирлари

ШҲТ Бош котиби Чжан Мин:

“САМАРҚАНДАГИ САММИТ ТАШКИЛОТНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ТАРИХИЙ БОСҚИЧ БЎЛАДИ”

Бошланиши 1-бетда

— Мазкур босқичда ШҲТ олдида қандай таҳдидлар ва вазифалар турбди? Сиз ҳамкорлиكنинг қайси йўналишларини ташкилот учун устувор ва истиқболли, деб ҳисоблайсиз?

— Вазият жуда тез ўзгармоқда, халқаро майдонда беқарорлик ва ноанқилик ҳолати сезиларли даражада ортиди. Бугунги кунда биз хавфсизлик, иқтисодиёт ва молия, соғлиқни сақлаш ва бошқа муҳим соҳалардаги қатор жиддий муаммоларга дуч келмоқдамиз.

Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун халқаро ҳамжамият бирлашмоғи зарур, давлатлар геосийсий зиддиятга киришмасдан, бир томонламалик ва протекционизм иллатларини намоён қилмаган ҳолда, ҳамкорликда иш олиб бориши даркор.

Шанхай ташкилоти бутун инсоният учун умумий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашда конструктив роль ўйнашга интилиб келган ва шундай бўлиб қолади. ШҲТ харбий иттифоқ эмас, унинг “ген”ларида конфронтация элементлари йўқ.

Бизнинг ташкилотимиз бошқа давлатлар ва минтақаларга қўшилмаслик ва уларни нишонга олмаслик тамойилига амал қилади, халқаро ва минтақавий муаммоларни тинч сиёсий-дипломатик музокаралар йўли билан ҳал қилиш тарафдоридир.

Яна бир бор таъкидлайман, ШҲТга аъзо давлатлар ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, минтақадаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ташкилотда иштирок этаятган мамлакатларнинг иқтисодий, иجتимоий ва маданий тараққиётига ҳамкорлик қилиш йўли билан қўмақлашшга интилади. Мана шу барча тамойиллар “Шанхай руҳи” негизини ташкил этади. Фикримча, у замонамиздаги таҳдид ва хатарларга самарали қарши туриш имконини берувчи “дастлабки код”га эга.

Бугунги кунда ШҲТ ҳамкорлик қилмаган ёки алмашувларни амалга оширмаган соҳани топиш мушкул. Ташкилотимиз доирасидаги ўзаро ҳаракатлар сиёсат, иқтисодиёт, инвестициялар, парламентлараро ва маданий-гуманитар алоқалар, экология, таълим ва бошқа йўналишларни қамраб олади. Бунда уларнинг ҳаммаси ташкилотга аъзо давлатлар учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Қўллаб-ноанавий соҳалар, масалан, “яшил” энергетика, инновациялар ва рақамли иқтисодиёт каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш тез ғурсатларда давлатлар учун умумий манфаатларни излаб топишда ШҲТ янги истиқболларини очиб берувчи “йўлчи юлдуз”га айланиб улгурди. COVID-19 пандемияси бошланган дастлабки кунлардаёқ ШҲТ минтақа давлатларига ҳамжиҳатликда ушбу таҳдиддан қутулишда ёрдам бериб, пандемиянинг салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф қилиш бўйича аъзо давлатларнинг 2021-2023 йилларга



мўлжалланган ҳамкорлик чора-тадбирлари режасини қабул қилди.

Биз савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратдик.

Транспорт, энергетика, молия, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, инновациялар ва барқарор ривожланиш каби ўзаро манфаатларни акс эттирувчи соҳаларда аниқ лойиҳаларни амалга ошириш кейинги қадам бўлади.

— 2021-2022 йилларда Ўзбекистон ШҲТга раислик қилмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташкилот доирасида илгари сурган янги ташаббуслари ҳақидаги фикрларингизни изҳор қилсангиз.

— Биринчи навбатда, Ўзбекистон ШҲТ таъсисчи-давлати сифатида кўп томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратаётганини қайд этган бўлардим.

Шубҳасиз, ШҲТга аъзо давлатларнинг очик ва конструктив мулоқоти учун самарали майдонни ўзида акс эттириб, минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар, ижтимоий ва маданий-гуманитар соҳаларда шериклиқни рағбатлантиришда ҳамкорлиқнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон нафақат ШҲТ доирасида турли соҳаларни ривожлантиришга қўмақлашмоқда, балки бошқа аъзо давлатлар томонидан илгари сурилаган, умумий манфаатларга жавоб берадиган долзарб тақлифларни амалга оширишда амалий ёрдам бермоқда.

Бошқача айтганда, Тошкент ШҲТнинг пойдевори ҳисобланган “Шанхай руҳи”га

мувофиқ равишда бирдамлик тамойилларини амалга оширишга фаол қўмак бериб келмоқда.

“Бизнинг ҳар биримиз кучли бўлсакгина, ШҲТ кучли бўлади” — Ўзбекистон Президентининг 2020 йил ШҲТ саммитида айтган бу сўзлари ўзбек томонининг ташкилот доирасидаги ишларга конструктив ёндашувининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берган.

Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммитларида 50 га яқин ўта муҳим ташаббусни илгари сурди.

Улар, хусусан, ШҲТ халқаро алоқаларини янада кенгайтириш ва унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш, савдо-иқтисодий, саноат кооперацияси, транспорт-коммуникация соҳасидаги ўзаро боғлиқлиқни чуқурлаштириш, камбағаллиқни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш каби долзарб масалаларни қамраб олган.

Эътиборли жиҳати шунки, бу ташаббусларнинг барчаси кейинчалик аниқ “Йўл хариталари”, меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ва концептуал ҳужжатларда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган, минтақани барқарор ривожлантиришга қаратилган тақлифлар ШҲТнинг асосий вазифаларига тўлиқ мос келади. Айнан шунинг учун улар ташкилотнинг барча аъзо давлатлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик ва логистика, инновацион ва рақамли тараққиёт, маданий ва халқ дипломатияси каби муҳим соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантиришда ШҲТнинг улкан салоҳияти йўналишидаги ёндашувлари алоҳида эътиборга молик.

2021 йилда бўлиб ўтган саммитда Ўзбекистон Президенти мамлакатнинг ШҲТдаги раислиги даврида қатор янги ҳуқуқий, концептуал ва дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқишлигини маълум қилди. Хусусан, ШҲТ доирасида кўп томонлама шериклиқни янада кенгайтириш мақсадида ҳозирги

вақтда ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс дастур, шунингдек, Минтақа ичида савдонинг ривожлантириш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилимоқда.

ШҲТнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик концепциясини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўйича жараён якунланыпти.

ШҲТ ҳудудида инфратузилмавий ривожланиш дастури, шунингдек, юкумли касалликларнинг олдини олиш, телетиббиёт, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш, музей иши ва шу каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича қатор дастур ва қелишувлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Уларнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг ШҲТ тартибини янгилаш, унинг фаолиятини янги таҳдидлар ва ўзгараётган вазиятларга мувофиқлаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди.

Ўзбекистоннинг раислик даврида барча соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли масалаларни ўрганиш учун турли даражадаги 80 та тадбир ўтказиш кўзда тутилган. ШҲТга аъзо давлатлар томонидан 40 та тадбир ўтказилди.

Ўзбекистоннинг истиқболли ва долзарб масалалар бўйича аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатни кенгайтиришга қаратилган иккита муҳим тақлифи амалга оширилди.

2021 йилнинг ноябрь ойида илк бор ташкилот доирасида Ўзбекистон раислигида ахборот коммуникациялари, жорий йилнинг январь ойида камбағаллиқни қисқартириш бўйича вазирликлар даражасидаги учрашувлар ўтказилди.

Апрель-май ойларида Тошкентда илм-фан ва техника, транспорт вазирлари, гиёҳвандликка қарши курашиш муассасалари раҳбарларининг учрашувлари, шунингдек, Халқ дипломатияси форуми ўтказилди.

Мамлакатингизнинг савдо-иқтисодий йўналишдаги долзарб ташаббусларидан бири ШҲТга аъзо давлатлар ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш имконини берувчи “Ўзбекистон — ШҲТ” саноат зонасининг ташкил этилиши бўлганини қайд этишни истардим.

Бу йил амалга оширилиши кўзда тутилган йирик тадбирлар — Иқтисодиёт форуми, Саноат янгилликлари ҳафталиги, ШҲТ ҳудудлари кичик ва ўрта бизнес форуми, Саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича форум, Туристик форум ва ШҲТ ҳудудлари раҳбарлари форуми ана шу мақсадга хизмат қилади.

Умуман таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ШҲТга раислик қилишдек фахрли вазифани муваффақиятли ва самарали амалга оширмоқда.

— Шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтадиган ШҲТ саммитидан нималарни кутаяпсиз?

— Самарқанд саммитида Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислигининг асосий якунлари муҳокама қилинади. Мен бу ажойиб шаҳарда амалга оширилаётган улкан тайёргарлик ишларидан жуда яхши хабардорман.

Биз ана шу халқаро анжуманни тайёрлашга шундай катта эътибор қаратаётган Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматида чукур миннатдорчилик билдирамиз.

Самарқанд саммити ШҲТнинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаш ва ташкилот доирасидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришда муҳим тарихий босқич бўлиши шубҳасиз. Бу тадбирнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган фаол таъки ва ички сиёсати фондида ўтказилишида ҳам алоҳида маъно бор. У кейинги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган комплекс ислохотларнинг юқори самарадорлигини ёрқин акс эттиради.

Режага кўра, саммитгача ШҲТ доирасида хавфсизлик, иқтисодиёт, энергетика, транспорт, ахборот технологиялари, маданият, соғлиқни сақлаш, қишлоқ

қилиш жараёнини бошлаш тўғрисида ўтган йил қабул қилинган қарорни амалга оширишда муҳим босқич бўлади.

Бундан ташқари, ШҲТнинг қузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлар таркибларини кенгайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш мўлжалланган. Шунингдек, саммит майдонидан ШҲТ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар билан шериклик муносабатларини йўлга қўйиш тўғрисидаги меморандумларни имзолаш учун фойдаланишни кўзда тутаямиз.

Бугунги кунда жадаллик билан ўзгараётган халқаро вазият шароитида Самарқанд саммити алоҳида сиёсий аҳамият касб этмоқда. Барча давлатларнинг кенг қўламдаги халқаро ҳамкорлигининг аҳамияти ошиб борапти. Бу алоқалар пандемия билан курашиш бўладими, барча манфаатдор томонларнинг сазъ-ҳаракатларини бирлаштириш орқали глобал муаммоларга ечим топишда натижага эришиш бўладими, барча-барча жаҳонларни қамраб олиши керак.

Ишончим комилки, “Шанхай руҳи” умумий мақсадларга эришиш ва умумий манфаатлар учун ШҲТнинг барча давлатларини бирлаштирувчи янада катта куч бўлади.

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, мен Ўзбекистонда анча йиллар аввал бўлганман. Мамлакатнинг барча



Бугунги кунда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон нафақат ШҲТ доирасида турли соҳаларни ривожлантиришга қўмақлашмоқда, балки бошқа аъзо давлатлар томонидан илгари сурилаган, умумий манфаатларга жавоб берадиган долзарб тақлифларни амалга оширишда амалий ёрдам бермоқда.

хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга қаратилган салмоқли ҳужжатлар пакети тасдиқланади.

Албатта, қўтилаётган саммитнинг асосий масалаларидан бири ШҲТ таркибини янада кенгайтириш билан боғлиқ бўлади. Давлат раҳбарлари кенгashi йигилишида Эрон Ислom Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш мақсадидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумнинг имзола-ниши кўзда тутилган. Бу Эронни ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул

ҳудудларида кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганидан яхши хабардорман ва албатта, буларнинг барчасини ўз қўлим билан кўришни истайман.

Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва дунёда Шарқ дурдоналари сифатида тан олинган бошқа қадимий шаҳарларига боришни сабрсизлик билан кутаман.

Музаффар КОМИЛОВ суҳбатлашди.
“Дунё”АА
Пекин

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича

миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

умумий ўрта таълим муассасалари учун миллий кадрлар захирасини шакллантириш, илгор мактаб директори ва намунали ўқитувчи мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида раҳбар ва педагог кадрлар фаолиятини баҳолаб бориш;

умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, мазкур йўналишда узлуксиз мониторинг, баҳолаш ва прогностлаш механизмларини йўлга қўйиш, бола таълим-тарбиясида оила, айниқса, ота-онанинг ўрнини ошириш;

ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни касбларга йўналтириш тизимини такомиллаштириш; алоҳида таълим эhtiёжлари бўлган болаларнинг халқ таълими тизимига интеграциясини кучайтириш ҳамда инклюзив таълим жараёнини жадаллаштириш;

умумий ўрта таълимда барча маълумот алмашинуви жараёнларини Халқ таълими тизимини бошқаришнинг ягона дастурий мажмуаси орқали амалга оширилишини ҳамда ушбу соҳада электрон давлат хизматлари кўламини кенгайтириш;

умумий ўрта таълим муассасаларининг навбатлилиқ коэффициентини оптимал даражага етказиш, замонавий моделлар бўйича мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминлаш.

3. Халқ таълими вазирлиги томонидан халқаро ва маҳаллий экспертлар иштирокатида Миллий ўқув дастури яратилганлиги ва 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб 1- ва 2-синфларда 252 номдаги янги замонавий дарслиklar, ўқувчи машқ дафтарлари ҳамда педагоглар учун ўқув қўлланмалар жорий қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов): а) **2024 йил 1 сентябрга** қадар Миллий ўқув дастурининг таълим жараёнига **тўлиқ жорий этилишини**, шу жумладан, 2022 йил якунига қадар 3-, 6-, 7- ва 10-синфлар учун, 2023-2024 йилларда 4-, 5-, 8-, 9- ва 11-синфлар учун дарслиklar, машқ дафтарлари ҳамда ўқув қўлланмалар яратилишини таъминласин;

б) махсус электрон тизмлар (S-testing, Onlineedu, Raqamli darsliklar ва бошқалар) орқали:

2022 йил якунига қадар янги авлод дарслиklари учун **10 та** мобиль электрон ресурс ва **100 та** мулътимедиа махсулотларини яратсин;

2022 йил 1 сентябрга қадар 3-, 6-, 7- ва 10-синф ўқитувчиларини Миллий ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган қисқа муддатли малака ошириш курсларида ўқитсин;

в) педагог кадрлар ҳамда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш натижалари бўйича аниқланган бўшлиқлардан, шунингдек, ота-оналар, экспертлар ва бошқа шахсларнинг тақлифларидан келиб чиқиб, Миллий ўқув дастурини доимий равишда такомиллаштириб борсин.

4. Давлат умумий ўрта таълим муассасаларига Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда ўқув жараёнига халқаро тан олинган таълим дастурларини

жорий қилиш, шу жумладан, давлат таълим стандартлари доирасида ўқув дастурларига ўзгартириш киритиш ҳамда дарслиklарни танлашга (она тили, адабиёт, тарих, тарбия ва ҳуқуқ фанларидан ташқари) рухсат этилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов): **бир ой муддатда** давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув жараёнига халқаро тан олинган таълим дастурларини жорий қилиш тартибини тасдиқласин;

икки ой муддатда халқаро тан олинган таълим дастурлари рўйхатини шакллантирсин ҳамда ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштирсин;

умумий ўрта таълим муассасаларига уларнинг ўқув жараёнига халқаро тан олинган таълим дастурларини жорий қилишга кўмаклашсин, шу жумладан, таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи хорижий ташкилотлар билан музокаралар олиб борсин ҳамда дастурларни сотиб олиш ва амалиётга татбиқ этиш учун зарур маблағларни ажратсин.

5. Халқ таълими вазирлигидан ташқари бошқа вазирлик ва идораларга умумий ўрта таълимнинг ўқув-режалари ва дастурларига ўзгартириш киритиш ва мактабларда янги фан жорий қилишни назарда тутувичи конунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича **ташаббус билан чиқиш тақиқлансин**.

Вазирлар Маҳкамаси вазирлик ва идоралар томонидан мазкур бандда назарда тутилган тақиқга амал қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Қўйдагилар ташкил этилсин:

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари негизида **Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари** (кейинги ўринларда — Педагогика марказлари);

А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти негизида **А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти** (кейинги ўринларда — Миллий-тадқиқот институти).

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (кейинги ўринларда — Тошкент давлат педагогика университети) ҳамда унинг ҳузуридаги таълим ва илмий ташкилотлар Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилсин.

Тошкент давлат педагогика университети педагогика йўналиши бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқишда етакчи олий таълим муассасаси этиб белгилансин.

7. Халқ таълими вазирлигининг педагог кадрларни **компетенцияларга асосланган ва касбий кўникмаларни шакллантиришга** қаратилган методикалар (кейинги ўринларда — замонавий методикалар) бўйича ўқитиш амалиётини жорий қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин) ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ҳ.Ташкенбаев) билан биргаликда педагог кадрларни замонавий методикалар асосида ўқитиш амалиётини жорий қилиш учун:

а) педагог кадрларни **қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини** ошириш йўналишида:

2022 йил 1 сентябрга қадар Педагогика марказларига аниқ ва табиий фанлар бўйича малакали хорижий мутахассисларни жалб қилсин;

2022 йил 1 июлга қадар Педагогика марказлари ҳузурида хорижий мутахассислар, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳамда Педагогика марказларининг малакали ходимларидан иборат бўлган **тренерлар гуруҳларини** шакллантирсин;

2022 йил якунига қадар тренерлар гуруҳлари билан биргаликда жойларга чиққан ҳолда камиди **20 фоиз умумий ўрта таълим муассасаларида** педагоглар учун замонавий методикаларга асосланган сайёр **ўқув машғулот ва семинар-тренинглар** ўтказилишини таъминласин;

педагог кадрларнинг малакасини оширишга бевосита жалб қилинган тренерларга уларнинг иш фаолияти натижасига қараб, ойлик иш ҳақига **100 фоизгача** миқдорда кўшимча устама ҳақ тўлаб борсин;

2022 йил якунига қадар мактаб ўқитувчилари учун “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасида педагогик фаолиятдан ажралмаган ҳолда амалга ошириладиган кўшимча **индивидуал малака ошириш курсларини** жорий этсин;

б) **таълим дастурларини такомиллаштириш** йўналишида:

замонавий методикаларга асосланган **таълим дастурлари ва дарслиklарни харид қилиш** ҳамда умумий ўрта таълим тизимига жорий қилиш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 августга қадар малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Педагогика марказларининг ўқув-режалари ва дастурларини тўлиқ қайта қўриб чиқсин ҳамда халқаро талаблар асосида такомиллаштирсин;

2023 йил 1 сентябрга қадар Республика таълим маркази ҳамда Тошкент давлат педагогика университети билан биргаликда таълим жараёнини Миллий ўқув дастури асосида ташкил этишга қаратилган методикаларни ишлаб чиқсин ва ушбу методикаларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари, педагогика йўналишидаги профессионал ва олий таълим муассасалари ҳамда Педагогика марказларида жорий қилинишини таъминласин;

в) **педагог кадрларни тайёрлаш** йўналишида:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат педагогика университети-нинг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2-4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотлари **“4+2” тартибида**, шу жумладан, дарсларнинг 4 кунли олий таълим муассасасида, 2 кунли умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ тартибида олиб борилишини таъминласин;

Президент таълим муассасалари агентлиги билан ҳамкорликда Тошкент давлат педагогика университети талабаларининг танишув ва малакавий

амалиётларини, умумий ўрта таълим муассасалари билан бирга Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳам ташкил этиш чораларини кўрсин;

Тошкент давлат педагогика университети талабаларининг илмий-тадқиқот ва касбий кўникмаларини ошириш мақсадида дарс жараёнларига соҳа мутахассислари ва олимпларни жалб этсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) 2022 йил якунига қадар мактабларда замонавий методикалар асосида ўқитиш амалиётини жорий қилиш учун Халқ таълими вазирлигига зарур маблағларни ажратсин.

8. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов):

2023 йил 1 августга қадар таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ваколатли халқаро ташкилотлари (кейинги ўринларда — ваколатли халқаро ташкилотлар) жалб қилган ҳолда **педагог кадрларнинг умумтаълим фанлари бўйича билим даражаси ва касбий маҳоратини** баҳолаш тизимини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин;

2024 йил 1 январга қадар педагог кадрларнинг умумтаълим фанлари бўйича билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш тизимининг халқаро стандартлар талабларига жавоб беришини сертификациядан ўтказсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида:

а) умумтаълим фанлари бўйича тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган педагог кадрларга **ҳар ойлик кўшимча устама** куйидаги тартибда **тўланади**: халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга — уларнинг тариф ставкасига нисбатан **50 фоиз** миқдориди;

халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган **миллий баҳолаш тизимида** олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга — уларнинг тариф ставкасига нисбатан **50 фоиз** миқдориди. Бунда, миллий баҳолаш тизимининг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши **ваколатли халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланган** бўлиши лозим;

мазкур банднинг тўртинчи хатбоши-сида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлмаган **Давлат тест марказининг миллий баҳолаш тизимида** олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга — уларнинг тариф ставкасига нисбатан **20 фоиз** миқдориди (чет тили бўйича сертификактлар бундан мустасно);

б) мазкур банднинг тўртинчи хатбоши-сида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлмаган **Давлат тест марказининг миллий баҳолаш тизимида чет тили бўйича** олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ойлик кўшимча устама:

2025 йил 1 январга қадар — уларнинг тариф ставкасига нисбатан **50 фоиз** миқдориди;

2025 йил 1 январдан бошлаб — уларнинг тариф ставкасига нисбатан **20 фоиз** миқдориди тўланади;

в) ҳар ойлик кўшимча устама сертификат **амал қилиш муддати давомида, лекин уч йилдан кўп бўлмаган** вақт мобайнида тўланади;

г) умумтаълим фанлари бўйича бир неча сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ойлик кўшимча устама **юқорироқ устама олиш ҳуқуқини берувчи сертификат бўйича тўланади**.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан келишган ҳолда **ҳар йили 1 августга** қадар қўйдагиларни тасдиқласин ва ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин:

миллий баҳолаш тизими мувофиқ бўлиши лозим бўлган халқаро стандартлар рўйхатини;

таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ваколатли халқаро ташкилотлар рўйхатини;

халқаро тан олинган ва миллий баҳолаш тизимида берилган сертификатлар (уларнинг комбинацияси) рўйхатини ҳамда ҳар ойлик устама олиш учун уларнинг энг кам даражасини.

10. Давлат тест маркази (М.Каримов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарорига мувофиқ чет тили фани ўқитувчиларига 30 ва 15 фоиз миқдориди устама олиш ҳуқуқини берадиган **маълумотномалар бериш амалиётини тугатсин**.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарорига мувофиқ чет тили фани бўйича маълумотнома олган ўқитувчиларнинг устамалари, ушбу маълумотномалар амал қилиш муддати давомида сақлаб қолинади.

11. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **2022 йил 1 декабрга** қадар мактаб директори лавозимига номзодларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижаси бўйича уларга **менежерлик сертификатини бериш амалиётини йўлга қўйсин**.

Белгилаб қўйилсинки, **2023 йил 1 январдан** бошлаб:

мактаб директори лавозимига номзодлар менежерлик сертификатини олиш учун Миллий-тадқиқот институтида махсус пуллик дастурлар асосида жамоада ишлаш ва ота-оналар билан мулоқот қилиш, бошқарув, молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари кўникмаларига ўқитилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 11 май	

ўқитиш якуни бўйича Миллий-тадқиқот институти томонидан мактаб директори лавозимига номзодларнинг бошқарув соҳасига оид билим ва кўникмалари баҳоланади ҳамда натижаси бўйича менежерлик сертификати берилади;

мактаб директори лавозимига номзодлар фақат менежерлик сертификатига эга бўлган шахслар орасидан танлаб олинади ва келишиш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишиш талаб этилмайди.

12. Юқори кўрсаткичларга эришган педагогларни кўшимча рағбатлантириш ва малакали ходимлар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Халқ таълими вазири жамғармаси** ташкил этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Халқ таълими вазири жамғармасини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) 2022 йилда Халқ таълими вазири жамғармасига Давлат бюджетидан **300 миллиард** сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

13. **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари ва “Болалар кутубхоналари” ходимларининг лавозим маоши миқдори **1,2 бараварга** оширилсин.

14. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) мазкур фармонда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун тегишли маблағларни 2023 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб борсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конунчилик ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб халқ таълими вазири Б.О.Саидов ҳамда молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Бошланиши 1-бетда

2. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Мудоффаа вазирлиги (Б.Курбанов), Миллий гвардия (Р.Джурбаев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Ходжиматов) бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб рейтинг кўрсаткичлари асосида “қизил” тоифага киритилган умумий ўрта таълим муассасаларида:

зиёли ва нурунийлар, илгор табдиркорлар, кластер ва саноат корхоналари раҳбарлари, машхур санъаткор, спортчи ва актёрлар, таниқли блогерларни жалб қилган ҳолда мактаб ўқувчилари билан учрашувлар, мотивацион суҳбатлар ва маҳорат дарсларини ташкил этсин;

мактаб ўқувчилари учун “Ватанпарварлик” дарсларини ва полигонларда 2 кунлик ҳарбий дала машғулотларини ўтказиш ҳамда уларни чавандозлар мактабларига жалб қилиш чораларини кўрсин, ҳарбий қисм офицерлари, сержантлари ва Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида “Ватан тинчлигига барчамиз масъул!”, “Ватан озодлиги — бахт гарови!”, “Ватанга хизмат — олий фазилат” мазвуларида давра суҳбатларини ташкил қилсин;

ўқувчиларнинг меъморий ва тарихий обидалар, маданият муассасалари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга ташрифини уюштирсин;

ўқувчиларнинг қизиқишлари, талаб ва истакларидан келиб чиқиб спорт мусобақалари, концерт томошалари ва санъат асарлари кўргазмаларини ўтказсин;

буюк аждодларимизнинг илмий ва маданий мероси, уларнинг ибратли ҳаёт йўли ҳамда жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга қўшган ҳиссаларига оид тарғибот ишларини олиб борсин, улуг алломуларнинг тўғилган саналарига бағишланган илмий ҳафталиклар, семинар ва анжуманлар ташкил этсин;

ҳаётий мисоллар асосида ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти ва масъулияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб борсин, уларни қизиқтирган ва хавотирга солаётган масалалар бўйича очиқ мулоқотлар ҳамда ўқув-семинарларни ташкил этсин.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Т.Худайбергенов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-

ганлари билан биргаликда **ҳар чорақда** намунали ўқувчиларнинг ота-оналарини рағбатлантириш, уларга “миннатдорчилик хати”ни топшириш ва совғалар тақдим этиш, шунингдек, фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш амалиётини йўлга қўйсин.

3. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов): **2022 йил 1 августга** қадар умумий ўрта таълим муассасасидаги ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларини қайта қўриб чиқсин ва уларда мактаб ва ота-онанинг бола тарбиясидаги ўрни ва масъулиятини, уларнинг таълим ва тарбия жараёнидаги иштироки ҳамда мажбуриятларини белгиласин;

умумий ўрта таълим муассасасидаги ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўзининг расмий веб-сайти ҳамда “my.maktab.uz” ахборот тизимида жойлаштирсин;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, мактаб ўқувчилари ота-оналарини “my.maktab.uz” ахборот тизими орқали умумий ўрта таълим муассасасининг ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари билан таништириб борсин.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқласин.

4. Умумий ўрта таълим муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини яхшилаш, компьютер синф хоналарини замонавий техникалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш учун:

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари билан келишган ҳолда **2022 йил 1 сентябрга** қадар 2023-2024 йилларда мактабларда маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш бўйича дастурни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2023-2024 йилларда мактабларда маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш бўйича дастурни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси **республика бюджети** ҳисобидан **200 миллиард** сўм, **маҳаллий бюджетлар** ҳисобидан **200 миллиард** сўм миқдорда маблағлар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-, 3-бетларда

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб 400 нафаргача ўқувчиси бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида Интернет тезлиги **камида 40 Мбит/с**, ўқувчилар сони 400 нафардан юқори бўлганларда — **камида 100 Мбит/с** бўлишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари умумий ўрта таълим муассасаларини юқори тезликдаги Интернетга улаш учун зарур маблағларни ажратсин;

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) **2023 йилдан бошлаб ҳар йили 1 августга** қадар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига умумий ўрта таълим муассасаларида маънан эскирган компьютер техникаси тўғрисида маълумотларни тақдим этиб бориш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда **2024 йилдан бошлаб ҳар йили** Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий компьютерлар билан таъминлаш бўйича молиялаштириш манбаларини аниқласин.

5. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда:

2022 йил 1 сентябрга қадар фан ўқитувчиси ва мактаб директори лавозимлари учун танловда иштирок этишга онлайн ариза топшириш ва номдод ҳақида маълумотларни жойлаштириш имконини берадиган махсус **электрон портални яратсин**;

махсус электрон порталда амалдаги ҳамда истиқболда кадрларга бўлган эҳтиёж, шунингдек, вақант лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни умумий ўрта таълим муассасалари ва фанлар кесимида жойлаштириш орқали миллий **кадрлар захирасини шакллантирсин**.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) **2022 йил 1 августга** қадар ўз ахборот тизимларининг “Электрон ҳукумат” идоралараро интеграция платформаси орқали махсус электрон портал билан интеграциясини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодий

тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров) ҳамда Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) 2022-2026 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ҳисобига **1,2 миллион ўқувчи ўрни** миқдоридида янги қувватлар яратилишини таъминласин.

2022-2026 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг **асосий прогност кўрсаткичлари** 1-иловага мувофиқ тасдиқласин.

Белгиланган бўлисинки, асосий прогност кўрсаткичларга мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш — Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган маблағлар, Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтларининг кредитлари ва грантлари, ҳомийлик хайриялари, хусусий шериклар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида 2022-2026 йилларда умумий ўрта таълимда **700 минг** ўқувчи ўрни миқдоридида янги қувватлар яратилишини таъминласин.

7. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) билан биргаликда **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб**:

бошланғич синф ўқувчиларига ўқув режага киритилган фанлар доирасида меҳнат бозорида мавжуд бўлган турли касблар тўғрисида тушунчалар бериб бориш;

касб эгаларининг меҳнат фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида 5-7-синф ўқувчилари учун турли учрашув ва сайёр дарсларни ташкил этсин;

7-9-синф ўқувчиларининг касбга мойиллигини аниқлаш бўйича ташхислар ўтказиб бориш ҳамда натижаларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари, хунарандчилик марказлари ва бошқа ташкилотларга экскурсиялар ташкил қилсин;

худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ўсиш нукталарига мувофиқ мактаб ўқувчилари учун устувор касбларни белгиласин ҳамда 10- ва

11-синф ўқувчиларини ушбу касбларга, шу жумладан, касб-хунарга ўқитиш марказлари, маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари, қисқа муддатли курслар очилган таълим муассасаларида ўқитиш чораларини кўрсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) **2022 йил 1 августга қадар** умумий ўрта таълим муассасаларининг технология фани устакхоналари ҳамда касб-хунара амалиёти хоналари намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **2022/2023 ўқув йилидан** бошлаб тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида умумий ўрта таълим муассасаларининг технология фани устакхоналарини ҳамда касб-хунара амалиёти хоналарини босқичма-босқич ташкил этиш ва жиҳозлаш чораларини кўрсин.

8. **2023 йил 1 январдан** бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) умумий ўрта таълим ташкилотлари ҳар 11 йилда камида бир марта мажбурий тарзда аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказилади. Бунда, умумий ўрта таълим ташкилотлари муддатдан олдин аттестация ва давлат аккредитациясидан шартнома асосида ўтиши мумкин;

б) умумий ўрта таълим ташкилотлари куйидаги тартибда аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказилади:

фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари — амалдаги аккредитация сертификатининг муддати тугаганидан сўнг **11 йил муддатга**;

янги ташкил этиладиган умумий ўрта таълим ташкилотлари — улар **ташқил этилган пайдан бошлаб** (белгиланган тартибда **лицензия олган пайдан бошлаб**) **11 йил муддатга**;

в) давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида **хавф-хатарлар таҳлиliga асосланган** таълим сифати мониторингинг жорий этилади. Бунда:

мониторинг натижаларига кўра таълим сифатида пасайиш кузатилган давлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг фаолияти алоҳида режага мувофиқ жойига чиққан ҳолда ўрганилади;

жойига чиқиб ўрганиш натижаси бўйича давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида **“йўл харита”си** ишлаб чиқилади;

“йўл харита”сида белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида ва лозим даражада бажарилиши учун умумий ўрта таълим муассасасига туман (шаҳар) ҳокимликлари ва халқ таълими бўлимлари кўмак кўрсатади;

г) узлуксиз уч йил давомида фаолият самарадорлиги даражаси юқори бўлган давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларида текширувлар ташкил этишга **3 йил муддатга мораторий** жорий қилинади (потенциал коррупциоген ҳолатлар бундан мустасно).

9. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Ташкенбаев) ва Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) **2022 йил 1 октябрга қадар**:

давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида **хавф-хатарлар таҳлиliga асосланган** таълим сифати мониторингини амалга ошириш тартибини;

умумий ўрта таълим ташкилотларининг фаолиятини ички ва ташқи баҳолашдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартибини белгилловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Давлат тест маркази (М.Каримов) Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** 2024 йилдан бошлаб умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари ҳамда касб-хунара мактаблари битирувчилари учун якуний давлат аттестациясини Давлат тест маркази томонидан **имтиҳонлар шаклида** ўтказишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Белгиланган бўлисинки, Халқ таълими вазирлигининг:

таълим беришга мўлжалланган бинолари ва иншоотларини таълим соҳасидан ташқари **бошқа мақсадлар учун юридик ва жисмоний шахсларга берилиши тақиқланади**;

таълим беришга мўлжалланган, бўш турган бинолари ҳамда иншоотларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга бериш улар жойлашган ҳудуднинг камида 5 йиллик демографик кўрсаткичларини инобатга олиб, **халқ таълими вазирининг розилигини олган ҳолда** амалга оширилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 сентябрдан бошлаб**:

халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига бюджетдан ташқари маблағларини мустақил тасаруф этиш ҳуқуқи берилади;

2025 йил 1 январга қадар халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга **ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдоридан** белгиланади;

қўшимча хизмат кўрсатишдан тушган бюджетдан ташқари маблағларни яширган, шунингдек, ходимларга норасмий иш ҳақи тўлаган халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари қонунчиликти белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига:

Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан тасдиқланган ҳудудий дастурларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

ҳар чорақда ҳудудий дастурда белгиланган вазифалар ижросини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессияларида муҳокама этиб бориш ҳамда Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича миллий кенгашга бу ҳақида ахборот киритилишини таъминлаш;

ҳудуддаги халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилаш;

халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани (тротуарлар, йўллар ва бошқалар) зарур ҳолатда сақлаш бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш;

халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шароитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш;

туманлар (шаҳарлар)ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда халқ таълими муассасаларини ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига ўз вақтида ва самарали тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш;

умумий ўрта таълим муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, ҳудудлар атрофини ўраш, уларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларни бириктириш, видеокузатув камералари ва ёнгинга қарши сигнализация тизимларини ўрнатиш чораларини кўриш;

халқ таълими муассасалари ҳудудининг ва кўчмас мулкнинг бутунлигини ҳамда дахлсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларини ривожлантириш учун инвестицияларни ва ҳомийлик ёрдамида жалб қилишга кўмаклашиш;

халқ таълими муассасаларига кўмаклашиш масалалари бўйича вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг

ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитиш;

ўқитувчи касби мақоми ва обрўсини ошириш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, педагогларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймаслик ва фаолиятига ара-лашмаслик;

ўқувчилар онгига ватанпарварлик туйғуларини ва миллий қадриятларни синдириш, бой маданий-тарихий мерос, миллий урф-одатлар, буюк аجدодларимиз маънавий меросини ўрганишлари учун шароитларни яратишда сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилотларни кенг жалб этиш;

соҳа ходимлари, таълим муассасалари раҳбарлари, педагогларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётидаги шахсий ҳиссаси, ўқувчиларни ҳар томонлама етук авлод этиб тарбиялашдаги масъулиятларини ҳис этишлари учун тарғибот ва тушунтиришлар олиб бориш;

раҳбар ва педагог кадрлар томонидан таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни, соҳада жорий қилинаётган янгилликларни янада кенроқ тарғиб этилиши, ўқувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланишлари учун керакли бўлган маълумотларни олишлари учун имкониятларни кенгайтириш, уларнинг билими ва тафаккурини ошириш мақсадида халқ таълими йўналишидаги босма нашрларни таълим муассасаларига етказиб беришни таъминлаш вазифалари юклансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб халқ таълими вазири Б.О.Саидов, молия вазири Т.А. Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2022 йил 11 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 11 МАЙ КУНИ
ҒАЛЛАЧИЛИКДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИГА
БАҒИШЛАНГАН ЙИФИЛИШ ЎТКАЗДИ


Сўнгги вақтда жаҳон бозорларида озиқ-овқат нархлари кун сайин юқори суръатлар билан ўсмокда. Халқаро биржаларда **1 тонна бугдой нархи 400 долларга** кўтарилди ва йил бошига нисбатан нархлар **30** фоизга ошди.

Сўнгги йилларда ҳудудларда қуввати қарийб **3 миллион тонна бўлган 160 дан** ортиқ йирик хусусий дон корхоналари иш бошлади. Утган йили республика бўйича қарийб **3,5** миллион тонна ун ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан **54** фоизи хусусий дон корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Фермер ва кластерлар ўзи етиштирган ғаллани биржа савдоларига олиб чиқиши учун давлат томонидан барча имкониятлар яратилади. Давлат ресурслари учун сотиб олинмаган **1 тонна бугдой нархи** утган йилдаги **1 миллион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга**, яъни **2 бараварга** оширилади.

Бундан ташқари, фермерлар ихтиёрида қоладиган бугдойдан **500 минг тоннаси** дон корхоналарида вақтинча сақлаш учун қабул қилинади ва **1 июлдан бошлаб** илк бора фермер ва кластерларнинг ўзлари биржа савдоларига бозор нархида чиқаради. Бунда **500 минг тонна бугдойнинг** дон корхоналарида вақтинча сақлаш харажатлари давлат томонидан қолаб берилади. Шунингдек, фермерлар **2022 йил бугдой ҳосили** учун биржа тўловларидан озод қилинади.

Қишлоқ хўжалиги жамғармаси харид қилган **1 миллион 783** минг тонна бугдой эҳтиёжга қараб биржага чиқарилади. Бунда фермерларга июль-август ойларида биржада шаклланган ўртача нархлардан келиб чиқиб, ўртадаги ижобий фарқ ҳам тўлаб берилади. Бунинг учун жорий йилда давлатдан **6** триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади.



Давлат раҳбари бугдой етиштирувчи фермер ва кластерларни биржадан рўйхатдан ўтказиш ва брокерларни бириктириб, ўқитишни ташкил қилиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Жорий йил жами ғалла ҳосили учун **7,6** триллион сўм ажратилмоқда. Янги тизимнинг тўлақонли, адолатли ва очик-ошкора ишлаши, ҳар бир сўм фермер ва кластерга ўз вақтида, тўлиқ етиб бориши, нарх-навоининг ўсиши ва тақчилликнинг олдини олиш бўйича “кунбай” назорат тизими жорий қилинади.

“Ўздонмахсулот” корхоналари ва хусусий корхоналарнинг айланма маблағи учун **800** миллиард сўм миқдоридан кредит ресурслари ажратилади.

Дон корхоналарини хусусийлаштириш ишлари ҳам жадаллаштирилади. Мутасаддиларга **1 августга қадар 20** та дон корхонасидаги давлат улушини савдога чиқариш топшириғи берилди.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Бир хонадонда икки оила яшайди. Оила аъзоларининг иккиси ногирон, икки киши ишсиз. Яна бир оиланинг боқувчиси йўқ, боз устига фарзанди ногирон, она унинг парвариши билан банд. Учинчи хонадон ҳам боқувчисидан айрилган, она икки вояга етмаган фарзанд тарбиясидан ортиб, ишлашга имкон тополмайди. Шунингдек, кўмакка муҳтож қариялар, қийин ҳаётий вазиятдаги оилалар, зўравонликка учраган, жамиятга мослашишга қийнаётган инсонлар ҳам бор. Тўғри, бундай вазиятда эҳтиёжманд аҳолига давлат томонидан нафақа ва моддий ёрдам ажратилади. Аммо фақатгина бу кўмак билан ўзгалар эътибори ва қўллаб-қувватловига муҳтож инсонларни жамиятга тўлақонли интеграция қилишга эришиш мушкул.

Шундай вазиятда халқимизнинг азалий ва умуминсоний қадрияти — маҳалла институтининг ўрни янада яққол намоён бўлади. Маҳалла оқсоқоли ва фаоллари ана шундай оилаларнинг ҳолидан кўндал-кўнра хабар олади, уларни қийнаётган муаммоларни аниқлайди, қўни-қўшни, жамоатчиликнинг бундай оилаларга эътиборини кўпроқ жалб этади. Бу орқали оилаларга кўмак кучаяди. Эътибор фақат моддий ресурслар воситасида эмас, балки ўзаро йўқлов, меҳр, қийналганини суяш, улғаяётган фарзандларнинг тезроқ оёққа туриб, оила боқувчисига тиррак бўлишига, маҳаллада ва жамиятда ўз ўрнини топишига замин яратишдек қадриятларни ҳам қамраб олади. Табиийки, бу ҳар бир инсон, айниқса, ёшларнинг ҳаётий ривожланиши, орзу, интилишларини рўёбга чиқариши, яхши яшаши, энг муҳими, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш учун муҳим имкониятидир. Шу боис, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами қўллаб-қувватлаш миллий қадриятларимизнинг ажралмас бўлаги бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам бу анъана азалий қадриятлар ва замонавий таъминотларга таянган ҳолда давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги бир қатор маҳаллаларда бугунги кунда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда оилаларда ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар халқимизнинг ана шундай эзгу қадриятлари бардавомчилигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, эҳтиёжманд инсонларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларни халқаро андозалар даражасига кўтаришга йўналтирилгани билан аҳамиятли.

— Мазкур лойиҳа 2021 йилдан бошлаб амалга оширилмоқда, — дейди Олмазор туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Мухаррам Дадаҳўжаева. — Дастлабки босқичда савкизда маҳалладан муайян оилалар танлаб олиниб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўрганилди. Сўнгра тегишли вазифалар белгиланиб, уларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” яратилди. Утган бир йил мобайнида изчиллик билан амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунгача ушбу оилаларда аниқланган муаммоларнинг аксари ижобий ечим топди. Бу жараёнда, энг аввало, ишсизлар бандлигини таъминлашга эришдик. Тиббий кўмакка муҳтожларга зарур ёрдам кўрсатилди.

ОЛМАЗОР ТАЖРИБАСИ: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА ҚАНДАЙ АСОСЛАРГА ТАЯНИЛАДИ?

Психологик ва ҳуқуқий хизматга эҳтиёжи бор инсонларга ҳам кўмак берилди. Уй-жой билан боғлиқ масалалар ечимига ҳам эътибор қаратдик. Айни пайтда бу йўналишдаги ишлар тумандаги 59 та маҳалланинг барчасида давом этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида бу хусусда тўхталиб, Ангрен шаҳри ва Олмазор туманининг 13 та маҳалласида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш натижасида яхши тажриба яратилганини таъкидлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бунда хотин-қизлар фаоллари ёрдамга муҳтож 109 та оилани бирма-бир ўрганиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ечишда амалий кўмак берган.

Эндиликда ушбу тизим барча ҳудудларда жорий этилиб, 70 дан ортқ ижтимоий хизматлар кўрсатишни маҳаллада

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳақида аниқ маълумот шакллантирилди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бор инсонлар тегишли дафтарларга рўйхатга олинди. Айни пайтда бу жараёнда аҳолини қийнаётган муаммоларни ечиш борасида иш олиб боришмоқда. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан доимий хабар олиниб, уларга моддий, маънавий, психологик, тиббий кўмак кўрсатиляпти. — Тўғриси, қарийб 20 йилдан буён маҳаллада иш олиб борсамда, аҳолига ижтимоий кўмак кўрсатиш борасида эътиборимиздан четда қолаётган масалалар ҳам кўпчилигини билдим, — дейди С.Абдувалиева. — Масалан, бир оилага кирсам, ногиронлиги бўлган фарзанди 10 ёшида ҳам таълимга жалб этилмаган экан. Ҳолбуки, мамлакатимизда бугунги кунда бундай болаларни таълимга қамраб олиш бўйича барча имкониятлар бор. Тегишли давлат идоралари, таълим муассасалари билан боғланиб, бу масалага ечим топдик.



йўлга қўйиш топширилди. Айни пайтда маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан бирга иш олиб бормоқда. Ушбу йўналишда Олмазор туманида амалга оширилган ишлар, орттирилган тажрибалар билан танишиш мақсадида маҳаллаларга ташриф буюрдик.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛА МАКТАБГА ҚАМРАБ ОЛИНДИ

Чилтўғон маҳалласи марказига кириб бординимизда маҳалла фаолларини қизғин иш устида учратдик. Маҳалла раиси Саноат Абдувалиеванинг айтишича, 2 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада турли соҳаларда ислохотлар тобора чуқурлашмоқда. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ишсизликни бартараф этиш, камбағалликни қисқартириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасида бугун янгилаб тажрибалар шаклланимоқда. Аҳолининг ижтимоий аҳолини ўрганиш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш учун ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда уйма-уй юрилди. Бу жараёнда

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ҳақида гап борар экан, ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш, уларни тиббий-ижтимоий, психологик қўллаб-қувватлаш долзарб масала. Айниқса, оиласида бундай аъзоси бор аёллар доимий кўмакка муҳтож. Уйма-уй ўрганиш жараёнида маҳаллада 120 аёл ана шундай қўллаб-қувватловга муҳтож, деб топилди ва “Аёллар дафтари”га киритилди. Айни пайтда уларга зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Оилаларни ижтимоий муҳофазалашда бандликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чилтўғон маҳалласида фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиси Насиба Тўраеванинг айтишича, бу борада савдо ва хизмат кўрсатиш устувор йўналиш деб белгиланган. Зеро, пойтахт марказидаги маҳалла ҳудудида қатор давлат ва хусусий ташкилотлар, йирик савдо мажмуалари жойлашган. Шу боис, ишсизларга ушбу йўналишда касб-хўна ўргатиляпти. Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам эътиборда. Қандолатчилик, хизмат кўрсатиш, новвойлик бўйича 132 миллион сўмлик кредит ажратилди. Субсидия асосида беш кишига иш бошлаши учун зарур воситалар олиб берилди. Бу чора-тадбирлар ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ТИЗИМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Шу ўринда, аввало, ижтимоий хизмат нима, деган саволга жавоб излайлик. Ижтимоий хизмат ўзаро муносабатларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга, эҳтиёжманд инсонларга имконият бериш, фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган фаолият тури. Бу жабҳадаги ишлар инсон ҳуқуқи ва ижтимоий адолатни таъминлаш, яъни жамиятдаги ислохотлардан барча бирдек манфаатдор бўлиши учун шароит яратишга қаратилгани билан аҳамиятли. Шу боис, бутун дунёда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами қўллаб-қувватлашда ижтимоий хизмат ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган ижтимоий хизмат соҳаси бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида янгилаб таъминлаш, замонавий таъминотлар билан бойиб бораётгани мамлакатимиз тараққиётида муҳим омили бўлаётди. Бугунги кунда юртимизда бир қатор идораларда ногиронлиги бор шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилади.

Президентимиз 29 апрелдаги йиғилишда юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларга баҳо бера экан, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлиги бор шахсларга 5 та идора ижтимоий хизматлар кўрсатади. Лекин уларга маҳалладан туриб мурожаат қилиш имкони йўқ. Энг асосийси, ушбу идоралар томонидан “ўз миқдори”ни аниқлаш ва уларга ўз вақтида кўмак бериш тизими йўлга қўйилмаган. Эндиликда, маҳаллаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар фаоллари томонидан ижтимоий хизматлар олиш учун бюртма бериш тизими йўлга қўйилди.

Ушбу янги тизимни самарали йўлга қўйиш учун махсус дастур асосида 9300 дан зиёд хотин-қизлар фаолини маҳаллада ижтимоий хизматларни ташкил этишга ўқитиш ва-зифаси қўйилди.



ИЖТИМОЙ ХИЗМАТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Айтиш керакки, бугунги кунда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатлами қўллаб-қувватлаш бўйича турли дафтарлар шакллантирилган. Рўйхатга олинган аҳоли қатлами билан мунтазам иш олиб боришмоқда. Аммо бу жараён



да ижтимоий кўмакка муҳтож қатламга эътиборни янада кучайтириш ва тизимли амалга ошириш зарур.

— Шу йўналишда бир йилдан буён иш олиб боряпмиз, — дейди Олмазор туман “Чигатой дарвоза” МФЙ хотин-қизлар фаоли Лола Эрқабоева.

ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида ташкил этилган ўқув-услубий семинарларда қатнашиб, янги тажрибаларни ўрганилган ва уни иш фаолиятимизда қўллаб-қувватлаш. Бу йўналишда маҳалла-миқдосда бешта хонадон танлаб олиниб, манзилли иш олиб боряпмиз. Натижада мазкур оилаларни қийнаётган ижтимоий муаммолар — ишсизлик, ногиронлиги бор шахсларга ва беморларга, психологик ёки ҳуқуқий ёрдамга муҳтожларга кўмак берилляпти.

Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими шуниси билан ажралаиб

турадики, бу жараёнда оиланинг барча аъзолари билан иш олиб борилади. Бу жабҳадаги ишлар узлуқсиз ва давомли бўлади. Мутахассислар бу жараёнда ҳар бир хонадонга кириб, оилалардаги ҳақиқий ҳолат ва ижтимоий хизматларга эҳтиёжни аниқлайди. Ҳар бир оила учун алоҳида ижтимоий ҳимоя режаси ишлаб чиқилади. Аҳоли мурожаатлари асосида ижтимоий хизматлар ўз вақтида ва сифатли кўрсатилгани доимий назорат қилиб борилади.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами қўллаб-қувватлаш маҳалла фаолиятининг муҳим йўналишидир, — дейди “Чигатой дарвоза” МФЙ раиси Ҳабибулла Абдуллаев. — Жорий йилдан бошлаб маҳаллада янги институтлар фаолияти йўлга қўйилгани бу жабҳада долзарб бўлиб турган муаммоларга ечим излашда катта қадам бўлди. Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси билан бирга бу борада оилаларда ўрганиш ўтказдик. Ижтимоий қўллаб-қувватловга муҳтож, ишсиз қатлами аниқлаб, улар билан иш олиб бориш бўйича режа шакллантирдик.

Ижтимоий ҳимоя ҳақида сўз борар экан, ишсизликни бартараф этиш муҳим вазифа сифатида кун тартибига кўтарилади. Маҳаллада аҳолининг бу йўналишдаги эҳтиёжи ўрганилиб, тадбиркорлик қилиш истигада бўлган 16 та оилага имтиёзли кредит ажратилди. Маҳалла аҳолиси, айниқса, хотин-қизларга ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун сўронома ўтказилляпти. Бу оилаларга, аҳолига йўналтирилган ижтимоий ёрдам узлуқсизлиги ва давомийлигини таъминлашга замин яратлади.

Лола Эрқабоева ижтимоий хизмат йўналишида ўз тажрибасини оилавий ажрашларнинг олдини олишда ҳам қўллаш ниятида эканини таъкидлади. Зеро, ажрашиш масаласи келиб чиқишида аксарият ҳолатларда оилага, эр-хотин орасига учинчи, тўртинчи инсонлар аралашуви кузатилади. У бу жараёнда фақат эр-хотин ўртасида иш олиб бориш билан чекланмай, оиланинг бошқа аъзолари билан ҳам мунтазам мулоқот қилиш яхши натижа беради, деган фикрда. Қолаверса, ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида яратилган имкониятлардан янада унумли фойдаланишга жалб этиш ниятида.

Ишончимиз комилки, Лолахоннинг бу изланишлари аҳолига манзилли ижтимоий хизмат кўрсатиш борасидаги ишларни замон талаби даражасига кўтариш, кўмакка муҳтож инсонларнинг тиббий-ижтимоий ёрдамдан баҳрамандлигини ошириш ва халқимизнинг розилигига эришишда ўз самарасини беради.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

АСАЛАРИЧИЛИК



Тиб илмининг сўлтони Абу Али ибн Сино қайдларида асал инсон танасига тетиқлик бағишлаш, овқат ҳазм қилишни яхшилаш, иштаҳани очиш, хотирани мустаҳкамлаш, эрта қаришнинг олдини олиш хусусиятларига эга эканлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Асалнинг ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси, гастрит, жигар ҳасталиги, бўйрак, юрак, асаб, кўз касалликлари, камқонликни даволашда асқатиши фанда аниқланган. Аммо ҳозирда биз асаларининг фақат асалидан фойдаланяпмиз, холос. Ваҳоланки, ундан мум, асалари сутти, асалари елими ва захри каби ноёб маҳсулотлар олиш мумкин.

Маълумотларга кўра, Самарқандда асаларичилик билан фаол шугулланиш ўтган асрнинг 30-йилларида бошланган. Уша даврдан буён соҳада турли кўламда ўсиш ва пасайишлар кузатилган.

— Самарқандда 1930 йилларда ҳозирги Хўжа Донёв зияратгоҳи рўпарасида вилоят асаларичилик илмий пункти очилган, 1932 йилда энг катта кўчманчи асаларичилик илмий тажриба станцияси ташкил этилган, — дейди вилоят асаларичилар уюшмаси раиси Ҳайдар Рашидов. — 1936 йилда тажриба станциясида махсус асаларичилик хўжалиги ташкил этилиб, 14 минг асалари оиласи боқилган. Станцияларини Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида ўндан ортқ бўлимлари бўлган.

Ҳар бирида 13 минг оилагача асалари боқилган ва йилгига 250-350 тоннагача асал олинган. Уша пайтларда маҳаллий зотлар боқилган бўлса, 1980 йилларнинг ўрталаридан кейин Самарқандга хориждан янги зотдаги асалари оилалари келтирила бошланди. Лекин шундан кейинги йилларда асаларичиликка эътибор сусайди. Натижада ишлаб чиқариш субъектлари сони сезиларли равишда камайди.

Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикада асаларичилик тармоқини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани ривожлантиришни янги имкониятларини очди. Бу имкониятлар самарасини вилоятда ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар, эришилаётган

натижалар ва кўзда тутилаётган лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қарорда тармоқни бошқариш тизимини тўбдан такомиллаштириш, наслик ишларини илмий асосда ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилгани соҳада сезиларли ўзгаришларга омили бўлди. Асаларичилик хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, асал ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, соҳага илмий ёндашуни кучайтириш белгиланди. Ҳужжат асосида асаларичиликнинг умумий-содидётдаги мавқеини мустаҳкамлашга киришилди.

— Отам 30 йилдан буён асаларичилик билан шугулланади, мен уларнинг ишини давом эттиряпман, — дейди Тойлок туманидаги “Оруз Олим Дилмурод” асаларичилик насликлик фермер хўжалиги иш юритувчиси Дилмурод Илёсов. — Яқин йилларгача асалари уялари ва бошқа барча керакли воситалар, асосан, хориждан келтирилади, даромаднинг катта қисми харажатга сарфланарди. Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги қарори асосида хўжалигимизга 50 сотих ер майдони ажратилди. 400 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, асаларичиликда насликлик мажмуасини ташкил этдик. Ҳозир хўжалигимизда асаларичилик уялари, мум парда ва бошқа бир қанча воситаларни ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз. Аввал иқлимимизга мос келадиган асалари зотлари хориждан келтирилган бўлса, ҳозирда “карпат”, “карпенка”, “итальянка”, “баффа” зотларини

хўжалигимизда сунъий кўпайтириб, 7 та вилоятга тарқатяпмиз.

Айни пайтда Самарқанд вилоятида асаларичилик билан шугулланаётган мингдан ортқ субъект мавжуд. 15 та фермер хўжалиги, 70 та деҳқон хўжалигида 2,5 мингга яқин ишчи томонидан 65-67 минг асалари оиласи боқилади. Қарор асосида Тойлоқ туманида асаларичилик насликлик мажмуаси ташкил этилди. 2021 йилда вилоят миқёсида 1 минг 110 тонна асал, 0,5 килограмм асалари захри, 5 килограмм она асалари сутти олинди. Шартнома асосида Жомбой, Булунғур туманларидаги 5 минг гектардан ортқ боғ чанглантилди.

— Аксарият асаларичилар жойдан-жойга кўчиб фаолият юритиши инобатга олиниб, давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида асалари боқишга рухсат берилган, — дейди Ҳайдар Рашидов. — Ҳозирда бундай ерларда 19 мингга яқин асалари оиласи боқилади. Бир неча йилдан буён вилоятимизда Канада, Туркия, АҚШ тажрибаси асосида ўсимликларни чанглатиш учун ҳар гектар майдон бошига ўртача 4-5 кутидан асалари жойлаштирилади. Бу усул маҳсулдорлики 25 фоиздан 100 фоизгача оширади. Жорий йил мазкур усул Самарқанд тажрибаси сифатида бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириляпти.

Асаларичилар билимини ошириш учун Самарқанд ветеринария медицинаси институтида зооветеринария факультети очилиб, 3 йилдан буён талабалар бу йўналишда таҳсил олмақда. Ветери-

нария медицинаси техникумида ҳам соҳа бўйича янгиликлар, инновацион ғоялар, маълумотлар бўйича билим берилади. Асаларичилар уюшмаси ва техникум билан ҳамкорликда соҳада малака ошириш маркази ҳам ташкил этилди.

Асаларичилик билан то-моққа майдонларида ҳам шугулланиб, яхшигина даромад олиш мумкин. Аммо етарли билим, иқлимга мос зотни танлаб бериш, иқлимга мос бериш, унутмаслик лозим. Шу боис, бу борада хонадонбай тизими асосида ишлаб, уюшма аъзоларининг малакасига таяниш, тажрибаларини ўргатишга жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман, бугун юртимизда, жумладан, вилоятда асаларичиликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос, зарур моддий-техник шароит яратилган. Гап бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, қозғоғдаги чора-тадбирларнинг амалиётга кўчишини янада жадаллаштиришга боғлиқ. Шунда унинг истиқболли ва сердаромад соҳага айланиши ҳам тезлашади.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
журналист



Адабий дўстлик — адабий дўстлик

Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари

ЮРГАН ДАРЁ...

Асрлар оша тилдан-тилга кўчиб, сайқал топиб, жилоланиб келаётган серхикмат, сермаъно нақллар кўп. Юрган дарё, ўтирган бўйра, деган ма-қол ҳам халқ донишмандлиги, тафаккури акс этган иборалар сирасига ки-ради. Навбатдаги сафар чоғи мен буни яна бир қарра ҳис этдим. Бу гал орузларимиз, эзгу ниятлар бизни Низомий, Насимий, Фузулий, Ҳусайн Жовид, Самад Вургун каби аллома ижодкорлар юрти саналимиш Озарбай-жон сари бошлади.

Ўзбек ва озар халқлари дини бир, тили, урф-одату анъаналари ўхшаш оға-чинилар кабидир. Бу дўсту қардошлик муносабатлари узоқ ўтмиш — ҳазрат боболаримиз замонларидан келаётган мустаҳкам илдизга эга.

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа турмоқ,
Керак шер олдида шер жанги,
Магар шер бўлмаса бори паланги...*

Бу — Низомий Ганжавий “Панж ганж”идан рух олиб, ўлмас “Хамса”ни яратган Алишер Навоий бобомиз эътирофидир. Бундан ташқари, “Насоим ул-муҳаббат”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-лугатайн” асарларида Низомий билан бирга Хо-қоний, Шайх Ширвоний, Абу Аббос Суҳравардий, Абу Абдуллоҳ Хоқоний Суфий, Шайх Табризий, Қо-сим Анварий сингари озарбайжон шоир ва олимла-рининг номларини ҳам ҳурмат билан тилга олади.

Ўтган аср аввалида Бокуда таваллуд топган Мақсуд Шайхзода тақдир тақозоси билан Тошкентга келиб қолади. Шўро мафкураси таъзиқи билан юр-тини тарк этган шоир кейинги ҳаётини Ўзбекистон билан боғлайди. У “Мирзо Ўлугбек”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Тошкентнома” каби ийрик асарлари билан ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўш-ди. Ғафур Ғулом, Зулфия, Миртемир каби шоир-ларимизни озарлар кадрлагани каби ўзбеклар ҳам Сулаймон Рустам, Расул Ризо, Самад Вургунни ўз ижодкорларидек эътироф этади. Ҳар икки халқнинг

санъаткорлар, сайёҳлар келмоқда. Шуша аввалги-дек қаддини ростламоқда. Яна бу жойларда назм ва наво кечалари уюштирилмоқда. Йўл-йўлакай мезбон дўстларимиз — Озарбайжон халқ шоири Наримон Ҳасанзода, Ёзувчилар бирлиги раиси ўринбосарлари, таниқли шоирлар Салим Бабулла ўғли, Илғор Фаҳмий, Саймон Аруз, ёш шоир Фуад Жаъфарзода ва бошқалар билан қийиндан танишиб олдик.

Дарвоқе, бу гўша Мулла Воқиф Паноҳ, Мирмуҳ-син Навваб, Хуршидбону Нотавондек улкан ижод-корлар етишиб чиққан юрт. Хуршидбону Нотавон Қорабоғ ҳокими Иброҳимхоннинг набираси, Маҳди-қулихоннинг қизи. Малика Хуршидбони ташаббуси билан “Мажлиси унс”, Мирмуҳсин Навваб сазй-ҳа-ракати билан “Мажлиси фарамушон” номи билан мунтазам равишда мусика, мушоира кечалари таш-кил этиб турилган. Воқиф Қорабоғ хонининг вазири, Хуршидбони хонлар авлодининг вакили бўлибгина қолмаي, ўз даврининг эри пешқадам ижодкорлари-

Мана Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги биноси. Киришда Низомий ҳазратнинг гиламга тўқилган тасвири... Худдики, сизни ҳазратнинг ўзлари қарши олаётгандек таассурот беради. Анор муаллимнинг хонасига киравмиз. Адибнинг иш столида Низомий ҳазратнинг, унинг шундоққина ёнида, нақшинкор лаганда Навоий бобонинг суврати. Жуда эътибор билан қарабман шекилли, салом-алиқдан сўнг уст-оз, мен ишмни туркий халқларнинг ана шу икки улуг сиймосига салом бериш билан бошлайман, деб лутф қилди. Тошкентдаги учрашувларни эсла-дик. Ёзувчининг, “Мен дунё кезган одамман, бироқ бошқа бирор ерда Ўзбекистонда адиблар учун қу-риб берилган ҳашаматли бино каби бир кошонани қурган эмасман. Буни адабиётга эътибор деиди-лар. Мен ўша вақтдаёқ озар матбуотида бу ҳақда чиқиш қилганман. Ўзбекистон Президенти томони-дан қилинаётган хайрли ишлар ҳақида ҳавас қилиб ёзганман”, деган мазмундаги сўзлари жуда ёқимли эшитилди. Анор муаллим ўзбекнинг кўплаб адибу шоирларини тилга олди. Уларнинг адабиёт ривожига қўшган ҳиссаларини эътироф этди.

Мен суҳбат асосида адибга айтдим: Озарбай-жон пойтахти Боку шаҳрида 2019 йил 15 октябрь кунги Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши-нинг еттинчи саммити бўлиб ўтган эди. Ўзбекистон Президенти маданий-гуманитар соҳалар аҳамия-тига алоҳида тўхталиб, Кенгашга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат “Туркий адабиёт хазинаси” номли китоблар тур-кумини нашр этишни таклиф қилди. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бу борада иш қизғин. Юз жилдик “Туркий адабиёт хазинаси” ном-ли китоблар туркумининг ўн олти жилди озарбай-жон адабиётига бағишланган.

Бу хушхабар адиб ва унинг атрофидаги шоғирд-ларю дўстларини қувонтирди. Ушбу жилдларни тайёрлаш ишларига астойдил ёрдам беришга та-йёр эканликларини маълум қилди. Озарбайжон Ёзарлар бирлиги раисининг ўринбосари Салим Бабулла ўғли, бу ерда ҳам худди кизиларда син-

ни таржима қилиб, адабиёт их-лосмандларига тақдим қилмоқда. Адабиётшунос олимларнинг эса озарбайжон адиблари асарлари-ни тадқиқ этаётганларини алоҳида таъкидлашмн керак. Уларни китоб қилиш кераклиги хусусида уйлаб юрар эдим. Чунки бунга эҳтиёж бор эди. Бобохон Шарифнинг ушбу китоби аини муддао бўлди...”.

Юқорида таъкидлаганимиздек, икки халқ — ўзбек ва озар халқлари ўртаси-даги адабий алоқалар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бу анъана-ларнинг давом этиши мутлақо табиий-дир. Маълумки, ўтган йил Низомий Ган-жавийнинг 880, Алишер Навоийнинг 580 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Низомийнинг “Хамса”си Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан ўз-бек тилига, Навоийнинг “Хамса”си атоқли навоийшунос олим Рамиз Асқар томонидан озар тилига таржима қилинди, нашр этилди, тақдимотлари бўлиб ўтди. Таъкидлаш керак, мунтазам равишда ўзбек ижодкорларининг асарлари Озарбайжон, озар ижодкорлари асарлари Ўзбекистон матбуотида таржима қилиб, эълон қилинмоқда. Буларни эслашдан мурод, Бобохон Шариф каби муаллифлар бун-дай эзгу ишларнинг тарбиётчилари ҳисобла-нишини таъкидлаш. Ишончим комил, бу хайрли ишлар бардавом бўлади.

ШАМОЛЛАР ШАҲРИДАГИ ЗИЁРАТЛАР ЗАВҚИ

Ўйлашимча, режадаги тадбирлар юксак дара-жада ўтди. Меҳмонхонага келдик. Сафардошла-



НИЗОМИЙ БОЛИДАН ҲАЛВО ПИШУРМИШ НАВОИЙ ЗАБТ ЭТИБ ТУРКИЙ ЖАҲОННИ

ижодкорлари ўз асарларида икки элни, икки юртни таранум этган.

Таъкидлаш керак, шоир ва таржимон Усмон Қўч-қор ҳам озарбайжон адабиётидан кўплаб асарлар-ни ўзбек тилига ўтиргани алоҳида эътирофга лойиқ. Бугунги кунда ўзбек ижодкорлари — Жамол Камол, Хуршид Даврон, Маматқул Ҳазратқулов, Йўлдош Эшбек, Бобохон Шариф, Тоҳир Қаҳҳор, Карим Баҳ-риев, Хосият Рустамова, Шаҳло Қосимова, Гулба-ҳор Ашурова, Раҳмат Бобохон, озар ижодкорлари — Рамиз Асқар, Яшар Қосимов, Акиф Бағиров, Алмаз Улви, Феруз Мустафо, Салим Бабулла ўғли, Акбар Қўшали, Шоҳиста Комронли сингари таржи-мон-адиблар устозларнинг хайрли анъаналарини давом эттирмоқда.

Шу кунларда Озарбайжондаги машҳур Жаъфар Жабборий номидаги Озарбайжон давлат драма театрининг 140-мавсуми Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли адиб Қўчқор Норқобил-нинг “Беш бева ва бир бошлик” мусикали коме-дияси пайда очилди. Бу дўстлик, адабий алоқалар аини пайтда янада юксак босқичга кўтарилаётгани-дан далолатларди...

Шу сингари ўй-хаёллар билан самолётимиз Бокудаги аэропортга етиб борганини сезмай қо-либман. Сафардошлар — Ўзбекистондаги Хайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази раҳбари Самир Аббосов, адабиётшунос, таржимон Бобохон Шарипов билан ҳамроҳликда кўчага чиқ-дик. Ҳали тонг ёришиб улгурмаган, осмонда битта-иккида юлдуз ҳам кўриниб турибди. Ойнинг хира ёғдуси қилишга нафис қайфият бағишлайди. Бизни қарши олган қардошларимизнинг ўғуз лажжасида-ги инжа лутфлари кўнглимизни нури зийға қи-ладди. Шаҳар марказидаги қаҳвахоналардан бирида нонушта қилган, Шуша шаҳрига йўл олдик. Мақса-димиз, “Шоирлар мажлиси”нинг очилиш тадбирида иштирок этиш эди.

Шуша Бокудан салкам тўрт юз чақирим масофа-да жойлашган манзил экан. Озарбайжонлик шоир-лар, адабиётшунослар, маданият ва санъат аҳли билан уловга ўтириб, қайдасан Шуша дея йўлга отландик. Баҳор кўнлари эмасми, осмон қўм-қўқ, атроф ям-яшил, йўл бўйида саф тортган дарахтлар япроғи шамолда майин тебраниб, гўё қўл силкитиб бизни қарши олаётганди тасаввур уйғотди. Ма-шина ойнасидаан атрофни кузатаман: атроф осуда, кимлар хизматга, яна бошқа кимлар ўз юмушлар-ини тезроқ адо этишга кетаётир. Шушага боргу-нга қадар, ҳаммаёқ гўзал, обод. Қорабоғ худудига ўтар эканмиз, руҳимиз маҳзун тортди. Қўлаган деворлар, вайрона уйлар, бўзилган масжидлар, ёқиб юборилган иншоотлар... Соғ-омон бинонинг ўзи йўқ. Ҳаммасида отинг ўчгур урушининг аянчли асорати. Э-воҳ, бу ажал коми қанча-қанча навқирон йигитларни ўз домига тортган экан. Қоинот гўлжои деб аталгувчи инсоннинг бу қадар тубан, шафқат-сиз эканлиги кўз ўнгингда намоён бўлади-ю, руҳинг товонининга қадар чўкади. Бу вайроналар қаршиси-да тинчлик нечоғлик улуг неъмат эканлигини ҳис этасан. Уни қадрлаш, асраш кераклигини чўқур англайсан. Беихтиёр, “Уруш, номинг ўсчин дунёда”, деб нола чеккан шоир сатрлари ёдга тушади...

Шўр, ҳозир бу жойларда уруш тўхтаган. Қурув-чилар, йўлсозлар, муҳандислар, усталар тиним билмай ишлаётир. Халқаро туркий маданият таш-килоти — ТУРКСОЙ томонидан 2023 йилда Шуша “Туркий дунё маданият пойтахти” деб эълон қилин-гани бу манзилларнинг яна ҳам обод бўлишига хиз-мат қилмоқда. Шу боис, бу ерга адиблар, олимлар,

дан саналган. Шу боис бўлса керак, Шушада ада-биёт ва санъат тараққий этган. Муғом санъатининг жозибаси куй-навога ташна ҳар қандай кўнглига завқ бағишлайди. Ҳазалхонлик, шеърхонлик кеча-лари ҳам ўз даврида жуда баланд мақомда ўтган. Орадан кўп йиллар ўтиб улуг аждодларнинг қўтлуғ анъаналарини Ўзбекистондаги Хайдар Алиев но-мидаги Озарбайжон маданият маркази яна ҳаёт-га қайтарди. Яна кўҳна ва навқирон Шуша шоиру санъат аҳлини ўз бағрига қорламоқда. 1872–1910 йиллар давомида шаклланган, ижод аҳлининг на-фис анжумани сифатида русумга кирган бу қўтлуғ анъана бугунга келиб қайта жонланибди.

“Мажлиси фаромушон”, яъни шоирлар мажли-сининг очилиш маросимида ўзбек ва озар ижод-корлари қатнашди. Денгиз сатҳидан салкам 1500 метр баландликда жойлашган, тоғлар оғушидаги гўзал шаҳар қуйларга, қўшиқларга, шеърларга тўлди. Икки кун давом этган баҳру байт, айтишув кечалари унутилмас таассуротларга бой ўтди. Са-мир Аббосов, бугун ўзбек ва озар шоиру санъат-корлари ҳамкорлигида бўлиб ўтган анжуман бутун туркийгўй ижодкорларни қамраб оладиган ката-да лойихага айланади, деб айтди. Бу гўзал ният. Халқаро туркий маданият ташкилотини — ТУРКСОЙ томонидан 2020 йилда Хива шаҳри “Туркий дунё маданият пойтахти”, деб эълон қилинган, шу му-носабат билан 2021 йилнинг 12–15 октябрь кўнла-ри Хива шаҳрида “Турк дунёси шоирлари учрашу-ви” тадбири бўлиб ўтган эди. Унда кўплаб туркий халқлар шоиру адиблари иштирок этди. Исона-миз, албатта, Шушада бошланган шоирлар маж-лиси ҳам ана шундай кенг миқёсдаги анжуманга айланади.

АНОР МУАЛЛИМ САБОҚЛАРИ

Эртақларда ўқиганман: подшоҳлар дунё кезган сайёҳу савдогарларни хузурига қорлаб, уларнинг суҳбатини олар ва бизга эшитганиндан эмас, кўр-ганиндан гапиргин, дейишар экан. Бобом тоғаю амакиларим ҳарбий хизматдан қайтган чоғларида ёки бирор сафардан келса, болаларим, кўп ўқиган мулло бўлади, қўпни кўрган доно бўлади, деган нақл бор, қани сўйланглар-чи, деб қўяди. Демак, ўзга юртларни қўриш ҳам киши тафаккурини яна-да оширади. Бунга эса сафар давомида бўлиб ўтган воқеалару гўзал суҳбатлар сабаб бўлади. Шу урин-да Ҳазрат Али розияллоху анхунинг сафар қилиш-нинг беш фойдаси ҳақидаги қўшиқларини эсладим: ғам-андухни кетказади; тирикчилик сармоясига ҳосил бўлади; илм ҳосил бўлади; одоб-ахлоқ мукамал-лашади; бешинчиси, улуглар суҳбатига бўлинади.

Ҳар бир юртнинг улуг кишилари бўлади. Озар-байжон халқ ёзувчиси Анор нафақат озарбайжон, балки ўзбек китобхонларининг ҳам сеvimли ижод-кори ҳисобланади. Бокуга келган ижодкор, албат-та, Анор муаллимнинг суҳбатини олишга ошиқади. Бизнинг ҳам сафарда кўзлаган мақсадларимиздан бири шу эди.

Мен Анор муаллим билан 2018 йил давлати-миз раҳбари ташаббуси билан ўтказилган ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини жаҳон миқёси-да тарғиб этиш масалаларига бағишланган хал-қаро конференция баҳонасида учрашганман. Бу улуг адибнинг ўзбек-озар адабий алоқалари, улуг ижодкорлари ҳақидаги ёмби фикрлари мени кўп хайратлантирган.

гари юз жилдлик китоб ҳозирлаш зарурлигини ва бу туркий халқлар адабий алоқаларида муҳим аҳа-мийат касб этишини айтди. Суҳбат сўнгига биз Анор муаллимга “Адиблар хиебони” китоб-альбомини ҳада қилдик. У киши бизга Низомий Ганжавийнинг “Хамса” китобини совға қилар экан, шундай маз-мундаги сўзларни айтди: “Бизлар кўпроқ учрашиб туришимиз керак. Тошкентда, Бокуда, Хивада, Шушада, Шахрисабзу Самарқандда, Нахичевану Ганжада. Қанча кўп дийдор бўлса, бир-биримизни биламиз, таниймиз. Шўбҳасиз, адабиёт ва санъат аҳлининг дўстлиги, халқлар, давлатлар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади”.

Анор муаллимнинг бу сўзлари, Президентимизнинг адабий дўстлик — абадий дўстлик, деган фикрларини ёдга солди.

АДОЛАТ ЙЎЛИНИ ЁРИТГАН АДАБИЁТ

Адабиёт — энг улуг неъмат. Инсоннинг инсон мақомида турмишга боис ҳам у. Чунки адабиёт меҳр, муҳаббат, садоқат, оқибат аталмиш энг гўзал тушунча ва туйғулар билан киши қалбини тўйинти-риб туради. Ҳар бир халқнинг ўзи қадрлайдиган, ифтихор билан тилга оладиган, жону жаҳони билан ўқийдиган асарлари бўлади. Бу асарлар ҳам бит-та муаллифга тегишли бўлмай, бутун бир халққа алоқадор бўлади. Яна шундай адабий обидалар борки, улар умумтуркий мерос сифатида қадрлана-ди. “Китоби Дада Қўркут” ёки “Қўркут ота китоби”, “Гүрүғли” ёхуд “Қўруғли”, “Аппомиш” ё “Аппамис” ва бошқалар. Ҳар бир туркий халқ бу каби асарларни ўз халқларига тегишли оғзаки адабий ҳазина си-фатида баҳолашади. Менимча, бу борада ҳар бир халқ ўзича ҳақ.

Шундай китоблардан бири “Китоби Дада Қўркут”. Ушбу китоб Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Хай-дар Алиев номидаги маданият маркази лойиҳаси сифатида таржима қилиниб, Бокуда нашр этилди. Таржимон — Бобохон Шариф. Китобнинг тақдимо-ти Бокудаги халқаро муғом марказида бўлиб ўтди. Китобдан ҳар икки мамлакатнинг маданият вазир-лари сўзбошиси ўрин олган. Бу эса китобнинг умум-туркий мерос сифатидаги фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди. Тақдимотда кенг жамоатчилик вакиллари, адабиёт ва санъат намоёндалари ҳам-да Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги фавақуллода ва муқтор элчиси Баҳром Ашрафхо-нов ҳам иштирок этди.

Яна бир қувончли воқеа. Бокуда таржимон Бо-бохон Шарифнинг ўзбек-озар адабий алоқаларига бағишланган “Адолат йўлини ёритган адабиёт” кито-би ҳам нашр этилибди. Озар тилида ёзилган ушбу китобда адабиётшунос ва таржимон Бобохон Ша-рифнинг ўзбек ва озар адабиёти хусусидаги мақола-лари, икки халқ қадрлайдиган ижодкорлар ҳақидаги фикрлари, атоқли адиблар билан суҳбатлари ўрин олган. Назаримда, бу китоб икки халқ ижодкорла-рини янада яқиндан билишларига хизмат қилади. Китобнинг тақдимотига бағишланган анжуман Озар-байжон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтди. Унда сўз олган Озарбайжон Миллий Мажлиси Маданият қўмитаси раиси, таниқли ижодкор Ганира Пашае-ва, жумладан, шундай деди: “Кейинги пайтларда хизмат сафарлари билан Ўзбекистонга кўп маро-таба боришимга тўғри келди. Ўзбек халқининг озар адабиётига бўлган меҳрини қўриб жуда қувондим. Таржимонлар шоиру ёзувчиларимизнинг асарлари-

римдан бири Бобохон Шариф иш билан Туркияга кетадиган бўлди. Самир Аббосов яна уч-тўрт кун-лик иши борлигини айтди. Мен эса эртага Тошкент-га — она юртга қайтаман. Мезбонлар йўл олгидан шаҳар айланишни таклиф қилди. Мен уларга озар халқининг улуглари этган жойларни ҳам зиёрат қи-лишни, тарихий жойларни кўрсатишларини илти-мос қилдим. Таклифим уларга маъқул келди. Тонг-да учрашадиган бўлдик.

Меҳмонхона Ҳазарга яқин бўлгани учун тонг-да денгиз бўйига бордим. Ҳазар бўйларида тонг-ни қарши олиш қанчалар ёқимли. Майин шамол эсади. Боқуни шамоллар шарф деганларича бор экан. Соҳил бўйидаги дарахтлар шивирлари, қуш-ларнинг чўғурлаши, сувнинг тинмай соҳилга ури-либ шовуллаши уйғунлашиб гўё симфоник оркестр мусикасига қиёс бўлгудек эди.

Табиат гўзаллигига маҳлиё бўлиб, соат ўн бўлганини ҳам билмай қолибман. Меҳмонхонага ошқидим. Мени ёш шоир Фуад Жаъфарзода қутиб турган экан. Иккимиз дастлаб Фикрат, Самад Вур-гун, Бахтиёр Ваҳобзода каби озар миллати фи-дойилари этган қабрларни зиёрат қилдик. Кейин Шаҳидлар хотираси майдонига бордик. Низомий, Навоий ҳайкаллари пойида улугларимизни ёд этдик. Музейларни айландик. Китоб дўконларига бориб харид қилдик. Зиёрат ҳам, саёҳат ҳам кўн-гилдайдик деб бўлди.

Аэропортга етиб келганимиздан сўнг, Фуад озар чойи ва ширинликларини қўлимга тутқазди. Яна келинг, дея хайрлашди. Мен ҳам уни Тош-кентга таклиф этдим.

Умуман олганда, Озарбайжонга сафар таас-суротларга бой бўлди. Бу ҳақида яна батафсил ёзиш фурсати ҳам бўлиб қолар... Тошкентга келгунга қадар эса устоз Абдулла Орифнинг машҳур шеърдаги мана бу сатрлар ҳаёлим-дан кетмади:

*Ҳаёл оти билан кезгил ҳар ённи,
Топмассан бундайин хушбахт бир онни.*

*Мухр этди дилларга тарих инчунин,
Қадим қондошликни — олий эҳсонни.*

*Эъзозлаб турибди кўтариб бошга,
Бу кун озар эли Ўзбекистонини.*

*...Ўзбекман, англамай қайёққа бордим,
Шу инжа озарий тилини, забонни.*

*Дўстлик бу — муҳаббат ангилг фароҳим,
Билгай у на ҳадни ва на довоини.*

*Низомий болидан ҳалво пишурмиш
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.*

*Бир лаҳза қўлидан қўйганим ўзбек,
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни.*

*Мавжуд бўлмасайди оламда азар,
Ўйлаб топар эдим Озарбайжонни.*